



АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ТОМОНИДАН МИЖОЗ ОРҚАЛИ АДВОКАТГА ТЎЛАНГАН КОМПЕНСАЦИЯ ВА УНИ ОЛИШ ТАРТИБИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тураев Шахриёр Шодиёрович

МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ БОШ БУХГАЛТЕРИ.

Аннотация: мақолада адвокат ва унга нисбатан туланиши лозим компенсация тўлови муҳумлиги, хизматлари учун тўланадиган маблағдан ташқари қанча миқдорда унинг хизмат харажатларини қоплашлиги ва адвокат бу тўловга нисбатан солиқ тўловларини тўланишилиги, бунинг натижасида юридик хизматни сифат ва самарадорлиги ошиб боришлиги, адвокатура институтини янада ривожлантириш учун унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш, компенсация тўлаш орқали кетган харажатларни қоплаш аниқ амалий кўрсаткичлар орқали кўрсатиб берилган.

Аннотация: в статье рассмотрено значение адвоката и выплачиваемой ему компенсационной выплаты, размер компенсации расходов на его услуги помимо суммы, уплаченной за его услуги, а также налоговые выплаты адвоката в связи с этой выплатой, В результате чего повышается качество и эффективность юридической услуги, ее положительный эффект для дальнейшего развития института адвокатуры, совершенствование эффективного использования достижений, возмещения затрат путем компенсаций, проявляются через конкретные практические показатели.

Abstract: the article discusses the importance of a lawyer and the compensation paid to him, the amount of compensation for expenses for his services in addition to the amount paid for his services, as well as tax payments of the lawyer in connection with this payment, resulting in an increase in the quality and efficiency of legal services, its positive the effect for the further development of the institution of the legal profession, improving the effective use of achievements, cost recovery through compensation, are manifested through specific practical indicators.



Калит сўзлар: компенсация тўлови, хизмат сафари, турар жой, транспорт харажатлари, кунлик харажатлар, бошқа харажатлар, солиқ.

Ключевые слова: компенсационная выплата, командировка, проживание, транспортные расходы, ежедневные расходы, прочие расходы, налог.

Key words: compensation payment, business trip, accommodation, transportation costs, daily expenses, other expenses, accounting.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги НИЗОМ тасдиқланган унинг 2-бобида ходимни хизмат сафарига юбориш ва унинг хизмат сафарида бўлиши тартиби кўрсатилиб унда, ташкилот ходимларини республика ҳудудларига хизмат сафарига юбориш ва уни расмийлаштириш, шунингдек, хизмат сафари якуни бўйича ҳисоботларни тақдим этишлиши айтилиб, хизмат сафарига юбориладиган ходим томонидан хизмат сафарига чиқишдан олдин, иш режаси расмийлаштирилишлиги кўрсатилган.

Ушбу низомни 4-бобида хизмат сафарларига оид компенсация тўловлари миқдори ва тўлаш тартиби кўрсатилиб унга мувофиқ хизмат сафарига юборилган ходимга турар жой билан боғлиқ харажатлар (меҳмонхона ёки турар жой ижараси), хизмат сафари жойига бориш, шу жумладан, хизмат сафари доирасида шаҳарлараро ва туманлараро ҳаракатланиш ҳамда доимий иш жойига қайтиш учун йўл харажатлари қопланади, шунингдек, кундалик харажатлар учун ҳақ тўланишлиги кўрсатилиб, хизмат сафарига юборилган шахсга хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги йўл харажатлари қопланишлиги белгиланган.

Умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати:

-ходимлар учун «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифидан арзон бўлган барча турлари бўйича чипта қиймати тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифи бўйича чипта қийматининг 70 фоизи миқдорида



бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари (ёки устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг маблағлари), қолган қисми ходимнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

- йўл чипталари мавжуд бўлмаганда, ходимлари учун жамоа келишуви (шартномалари), меҳнат шартномасида кўзда тутилган, бироқ ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда.

Бунда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон хариталардан фойдаланган ҳолда масофаларни аниқлашга рухсат этилади.

Кундалик харажатлар учун ҳақ жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (базавий ҳисоблаш миқдориغا нисбатан коэффицентларда), жами 0,35 гача:

ходимнинг хизмат сафари даврида овқатланиш (алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно) харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) тақдим этилганда — 0,25 гача;

бошқа харажатлари учун — 0,1.

Бунда умумий овқатланиш объектларида харидни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (чекларни) хизмат сафари учун ишлаб чиқилган махсус мобил иловада харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганда, ушбу ҳужжатларни (чекларни) тақдим этишга рухсат этилади.

Меҳмонхона харажатлари, ходимлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаслиги лозимлиги;

Турар жойда яшаганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида қопланишлиги;

Хизмат сафарига юборилган ходим ўзининг доимий иш жойига ҳар куни қайтиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда кундалик харажатлар учун ҳақ тўланмайди.



Ходимнинг хизмат сафарига юборилган жойдан ўзининг доимий равишда яшайдиган жойига ҳар куни қайтиши мумкинлиги масаласи хизмат сафарига юборган ташкилот раҳбари томонидан масофанинг узоқлиги, транспорт алоқаси шароити, бажариладиган топшириқнинг туси, ходим учун дам олиш шароитларини яратиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилишлиги;

Хизмат сафари даврида хизмат сафарига юборилган ходим вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотган ҳолларда унга умумий асосларда турар жой бўйича харажатлар қопланади (хизмат сафарига юборилган ходим стационар даволанишда бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва унга соғлиғи ҳолатига кўра зиммасига юклатилган хизмат топшириғини бажариш имкониятига эга бўлмаган барча давр мобайнида ёки ўзининг доимий яшаш жойига қайтгунига қадар, бироқ икки ойдан кўп бўлмаган муддатга кундалик харажатлар учун ҳақ тўланишлиги;

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиши, шунингдек, соғлиғи ҳолати бўйича ўзининг доимий яшаш жойига қайтиш имконияти йўқлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак;лиги

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотган давр учун хизмат сафарига юборилган ходимга умумий асосларда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари хизмат сафари муддатига қўшилмаслиги;

Хизмат сафарига юбориладиган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин йўл харажатлари, кундалик харажатлар ва турар жой харажатлари доирасида пул кўринишидаги аванс тўланишлиги;

Ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида аванс ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарида ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинишлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси адвокатура туғрисидаги қонунни 9¹ -моддасида; Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш туғрисидаги битим (шартнома)



асосида амалга оширишлиги, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалиги, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани) бекор қилиш масалалари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинишлиги белгиланган.

Шулар билан бирга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) муҳим шартлари қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилиб:

топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар;

топшириқнинг предмети;

кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари;

адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти.

Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда топшириқни бажариши билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) махсус рухсатисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмасликлари белгиланган.

Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига қирим қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шартлиги белгиланган.



Агарда адвокат томонидан хизмат сафари учун кетган харажатларни (шартномада назарда тутилган булса) тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 02 август кунги № 424-сон Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги НИЗОМ га мувофиқ ҳисоблаб адвокатга берилиш мумкин.

ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ЮЗАСИДАН НИНГ ХИСОБОТИ

И.Ф.Ш

ИФШ	Йул ҳақи		Ётоқхона харажатлари		Кунлик харажатлар		Жами
	Км	сумма	кун	сумма	кун	сумма	
Хаммаси	х	х	х	х	х	х	

Адвокат: _____
ИМЗО ИФШ

Хизмат сафари ҳужжатлар тўлиқ бўлганда ушбу ҳисобот адвокатлик тузилмасига алоҳида ёки молиявий ҳисобот билан қушиб топшириш мумкин, агарда ҳужжатлар мавжуд булмаганда қўйидагича ҳисобланиши лозим;

КМ-хизмат сафари бориш келиш йўли неча километр;

КУ-неча кун хизмат сафарида булганлиги;

$КМ * (БХМ * 0.1\%) =$ йўл ҳақи миқдори,

$КУ * (БХМ * 1.5) =$ ётоқхона харажатлари,

$КУ * (БХМ * 0.1) =$ кунлик харажатлар.

Шу тариқа адвокатга хизмат сафар харажатлари туланиши мумкин.